



ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ УЧУН КАТТА ИМКОНИЯТЛАР МАВЖУДЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Россия Федерацияси билан кенг қўламли ҳудудлараро ҳамкорликни ривожлантириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 апрель куни Татаристон Республикаси раиси Рустам Миннихановни қабул қилди.



Учрашувда устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва маданий-гуманитар алмашувларни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда самарали ҳамкорликда юқори натижаларга эришилгани мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро савдо ва инвестициялар ҳажми ортмоқда. Тошкент вилоятида “Чирчиқ”

кимё-индустриал технопарки муваффақиятли фаолият юритмоқда, Россия делегациясининг мазкур ташрифи давомида янги лойиҳага — Жиззах вилоятида технопарк барпо этишга старт берилди.

Бундан ташқари, нефть-кимё ва машинасозлик тармоқларида йирик кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда. Қозон федерал университетининг Жиззах шаҳридаги филиали фаолияти кенгайтирилмоқда.

Учрашув чоғида иқтисодийнинг турли тармоқларида ишбилармонлар ўртасидаги шерикликка оид истиқболли лойиҳалар, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам янги индустриал паркларни очиш ва мавжудларини ривожлантириш, инновациялар, кичик бизнес ва ахборот технологиялари соҳаларида ҳамда коммунал тармоқларни модернизация қилиш бўйича ҳамкорлик дастурларини қабул қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Шу кунларда Тошкент шаҳрида ўтказилган “ИННОПРОМ. Марказий Осиё” халқаро саноат кўргазмаси ишида Россия ишбилармон доиралари делегацияси таркибиде Татаристоннинг компания ва корхоналари фаол иштирок этаётгани таъкидланди.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари “йўл харитаси” асосида қўшма дастур ва лойиҳаларни илгари суриш юзасидан тизимли ишларни ташкил этиш муҳимлигини қайд этди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ХУДУДЛАР ҲАЁТИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН: САНОАТ РИВОЖИГА ЭЪТИБОР ОШМОҚДА

Кўнгрот тумани марказидан 200 километр узоқликда жойлашган “Жаслик” посёлка фуқаролар йиғини ҳудудида ишга тушган “Kkrasi chemical” мастуляти чекланган жамиятида мирабилит хомашёсидан йилгига 450 минг тонна натрий сульфати ва натрий сульфити ишлаб чиқарилади. Натрий сульфати синтетик ювиш маҳсулотлари тайёрлашда ва натрий сульфити эса металлургия, целлюлоза, кимё саноатида қўлланади. Хомашё, яъни табиий мирабилит Жаслик посёлкасидан 30 километр масофада жойлашган Темрук конидан олиб келиниб, корхонада қайта ишланади. 195 та янги иш ўрни яратилган МЧЖда ишчилар учун барча шароитлар яратилган.

— Корхона биз каби ишсиз ёшлар учун имконият эшикларини очди. Ишчи-ходимлар ётоқхона билан таъминланган, уларга тўрт маҳал иссиқ овқат берилади, — дейди смена бошлиғи Исмагул Камолов. — Бугунги кунда уч сменада ишляпмиз. Жамоамиз аҳил. Ҳозирги пайтда кимё саноати учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқаряпмиз.

МЧЖ лойиҳасининг умумий қиймати 17 миллион АҚШ доллари. Бу маблағнинг 14 миллион доллари банк кредити. Завод йилгига 260 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхонада тайёрланаётган маҳсулотларнинг 70 фоизини ички бозорга, қолган 30 фоизини эса Туркия, Эрон, Россия, Қозоғистон ва Афғонистонга экспортга чиқариш режалаштирилган.

Қорақалпоғистонлик тадбиркорларнинг маҳсулотларини экспорт қилишга берилаётган имтиёзлар иқтисодий диверсификациялашга, асосийси, ҳудуд аҳолисининг яшаш шароити яхшиланишига хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистонга ташрифи чоғида ўз


фаолиятини бошлаган олтига йирик корхонанинг бири “Беруний бугдой кластер” МЧЖ эди.

Туманининг “Қизилқалъа” овул фуқаролар йиғини ҳудудида ишга туширилган бу завод энди фақат берунийликларни эмас, балки бутун Қорақалпоғистонни ун маҳсулотлари билан таъминлашда катта аҳамият касб этади.

— “Беруний бугдой кластер” МЧЖнинг лойиҳа қиймати 35 миллиард сўм. Бунинг 16 миллиард сўми ўз маблағимиз ва 1 миллион 680 минг доллари имтиёзли кредитдир. Ҳозир кунгига 150 тонна ун ишлаб чиқаряпмиз, — дейди МЧЖ директори Ахмет Турдимуротов. — Корхонамиз ҳудуди 10 гектардан иборат. Шунинг 2 гектариде завод жойлашган. Қолган бўш ерда келажакда ёғ заводи қурмоқчимиз. Шунингдек, нон ва қандолат маҳсулотлари цехини ташкил этиш орқали аҳолини иш билан банд қилиш режаларимиз бор.

Давоми 4-бетда

30 АПРЕЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТИНЧЛИКПАРВАР ТАШҚИ СИЁСАТИ

ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ КОНСТИТУЦИЯ БУ БОРАДАГИ ЭЗГУ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ДАВОМИЙЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Мамлакатимизда янги таҳрирдаги Конституция юзасидан ўтказиладиган референдумга тайёргарлик қизгин давом этмоқда. Жойларда ушбу муҳим сиёсий воқеликка бағишланган турли тадбирлар бўлиб ўтмоқда, уларда минглаб фуқаролар иштирок этиб, Конституцияга киритилган янги нормалар мазмун-моҳияти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлмоқда.

Жумладан, Конституцияимизнинг 17-ва 18-моддаларига ҳам муҳим ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқдаки, улар мамлакатимиз ташқи сиёсатининг конституциявий асосларини янада мустаҳкамлаш билан боғлиқдир.

Амалдаги Бош қонунимизнинг 17-моддасида Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти экани, унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегаралар бузилмаслиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатлар ички ишларига аралашмаслик қоидаларига

ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа қоида ва нормаларига асосланиши қатъий белгилаб қўйилган. Конституцияимизда муҳрлаб қўйилган ушбу ҳаётбахш норма асосида ўтган йиллар мобайлида мамлакатимиз ташқи сиёсати изчил ривожланди. Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро жараёнлардаги иштироки сезиларли даражада юксалди. Юртимиз изчил, прогрессив ва тинчликпарвар ташқи сиёсати билан халқаро ҳамжамият эътирофига сазовор бўлмоқда.

Давоми 3-бетда



ДАВЛАТ ЁШЛАР КЕЛАЖАГИНИ ЯРАТИШНИ ЎЗ ЗИММАСИГА ОЛМОҚДА

Бугун давлат ва жамият бошқарувида, қонун ижодкорлиги жараёнида, умуман, барча соҳа ривожиде ёшларнинг фикри ҳамда сазй-ҳаракатлари муҳим аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбарининг Президент сифатида имзолаган биринчи ҳужжати 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун эканида ҳам ўзгача мазмун-моҳият бор. Конституцияимизнинг янги лойиҳасида ёшлар ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратилаётгани, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари конституциявий норма даражасида белгиланаётгани эса йигит-қизларнинг юртимиз таракқиетидаги ўрни нечоғлиқ юқори эканидан далолат беради.

Давоми 5-бетда



ОРТГА ҚАЙТМАС ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

Ижтимоий муносабатлар доимий ривожланишда бўлади. Шу тўғрисида миллий тараққиёт ва замонавий тенденцияларни инобатга олган ҳолда ушбу муносабатларни тартибга солиувчи ҳуқуқий нормаларни ҳам замон билан ҳамнафас такомиллаштириб бориш — давр талаби.

Инсон манфаати — ижтимоий давлатнинг асосий мезони

Бугунги кунда “Инсон қадрини ун” тамойили рўйга чиқиши, ҳар бир фуқаро кундалик ҳаётдан рози бўлиб яшашида амалдаги барча қонунлар ва бошқа ҳужжатлар учун асос бўлувчи

конституциявий нормалар такомиллаштирилиши ҳамда уларнинг ҳаётга тўғридан-тўғри ва тўлиқ татбиқ этилиши муҳим аҳамиятга эга.

Албатта, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг асосий мезони ҳам Бош қонунда давлатнинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини қатъий белгилаб олиши, жамиятдаги барчанинг манфаатлари муштараклигини назарда тутувчи инсоний қадриятлар мустаҳкамлаб қўйилишига боғлиқ. Чунки айнан Конституцияда “Шахс — жамият — давлат” тамойили асосида барча ижтимоий муносабатлардаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳамда уларнинг кафолатлари аниқ-равшан белгилаб берилди.

Бу ўринда, янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасида жамиятнинг барча қатламлари манфаати инобатга олингани, янги Ўзбекистонни қуриш гоёси атрофида бутун жамият жипслашаётгани, Бош қонунимиз том маънода халқ Конституцияси бўлаётганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Давоми 2-бетда

30 АПРЕЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI REFERENDUMI 2023

Бошланғич 1-бетда

Авалло, тарихимизда ilk бор Ўзбекистон — ижтимоий давлат, деб белгиланмоқда.

Конституциямизнинг янги тахририда давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ нормалар 3 баробар кўпайтирилиб, хусусан, бандликни таъминлаш, ишсизликдан ҳимоя қилиш, қамбағалликни қисқартириш, ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқига оид қатор мажбуриятлар киритилмоқда.

“ИНСОН ҚАДРИ УЧУН” ҲАМДА ХАЛҚИМИЗНИНГ ҚУНДАЛИК ҲАЁТИДА ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПИШИ УЧУН, АЛБАТТА, ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИ БИЛИМЛИ, МАЛАКАЛИ ВА ФИДОЙИ КАДРЛАР БИЛАН ЖАМЛАНГАН БЎЛИШИ КЕРАК. БУНИНГ УЧУН ЭСА ДАВЛАТ ХИЗМАТИГА ҲАР БИР НОМЗОД МАЛАКАСИ ВА КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИНГ СОҒЛОМ РАҚОБАТИНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН МУСТАҚИЛ, ТЕНГ ВА АДОЛАТЛИ ТАНЛОВ АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ЛОЗИМ.

Бундан ташқари, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечириши ҳамда ҳаёти ва саломатлик даражасини янада яхшилаш мақсадида атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш, умуман, муҳофаза қилиш бўйича комплекс чоралар белгиланмоқда.

жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлашга оид нормалар эса фуқаролар фаровонлигини оширишга йўналтирилган Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланиши, мулкдорлар қатлами кенгайишида аҳамиятли саналади.

Халқ Конституцияси билан халқчил давлат бошқарувини яратамиз

Ўзбекистонда инсон қадр-қиммати, шаъни ва ғурури барча соҳаларда бирламчи аҳамият касб этиши давлат сиёсатининг устувор масаласи сифатида белгиланди.

Дарҳақиқат, мамлакатда, энг аввало, “Инсон қадрини юксалтириш” —

манфаатлари инobatта олингани ҳамда ҳақиқий халқ Конституцияси яратилаётгани далолатидир.

Маълумки, конституциявий нормалар асосида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг асосий принциплари, уларнинг ваколатлари аниқ белгилаб қўйилди.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда рўй бераётган тўб ўзгаришлар, амалга оширилган ислохотлар моҳияти ҳам давлат органлари фаолиятида очиқлик, шаффофлик ва ҳисобдорликни ҳамда давлат ҳокимияти устидан халқ назоратини кучайтиришга қаратилмоқда.

Амалдаги қонунлар инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш ва ҳимоясига хизмат қилиши белгиланди. Шу маънода, “Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилиши” янги тахрирдаги Конституция лойиҳасининг 20-моддасида мустақамлаб қўйилгани алоҳида эътиборга молик.

“Инсон қадрини юксалтириш” янги тахрирдаги Конституция лойиҳасининг 20-моддасида мустақамлаб қўйилгани алоҳида эътиборга молик. Чунки қонунчилик доим ҳам мукамал бўлмайди. Ҳуқуқ нормалари ўртасида қарама-қаршилик ва ноаниқликлар юзага келиш ҳолатларида ушбу нормага кўра, энди номувофиқликлар давлат эмас, фақат инсон фойдасига ҳал этилади.

Президентимиз ташаббусига кўра, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан йўлга қўйилган давлат хизматида киришнинг очиқ, адолатли танлов механизми янада муносиб ўрин эгаллашига мустақам портали орқали энг муносиб номзодлар саралаб олинмоқда.

Янги тахрирдаги Конституция лойиҳасида “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат хизматида тенг ҳуқуққа эга” лиги мустақамлаб қўйилиши давлат хизматининг рақобатбардошлигини, очиқлиги ва профессионалигини оширади. Шу билан бирга, салоҳиятли ёшлар, хотин-қизларнинг давлат хизматидаги қатнашларини янада кучайтиришга ҳамда халқчил давлат бошқарувини яратиш мумкин бўлади.

Бундан ташқари, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечириши ҳамда ҳаёти ва саломатлик даражасини янада яхшилаш мақсадида атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш, умуман, муҳофаза қилиш бўйича комплекс чоралар белгиланмоқда.

Янги тахрирдаги Конституция — ёшлар учун янги имкониятлар қафолати

Ҳар қандай даврда жамият фаровонлигининг асосий мезонларидан бири, бу — фуқароларнинг ўзи учун энг муносиб ишни топиши, самарали меҳнат фаолияти орқали ўзи, оиласи ва жамият тарақиётига ҳисса қўша олишидир.

Бу ўринда мамлакатнинг стратегик ресурси саналмиш ёшларнинг касб-хунарга, олий маълумотга эга бўлиб, ҳаётда ўз ўрнини топиши долзарб масалалардан. Чунки ҳар соҳада етук, замонавий кадрларни тайёрлаш орқали тармоқларни ривожлантириш ҳамда

ислохотлар сифатини ошириш мумкин бўлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигининг дастлабки даврида ноқ ешлар сиёсатида ҳам янгича ёндашув ва муносабатни илгари сурди. Янги авлодни баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳаётга мустақил қадам қўйиши учун барча зарур шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни белгилаб берди.

Шу маънода, сўнги йилларда ёшларимиз олий маълумотли бўлиши учун кўплаб ишлар амалга оширилди, олий таълим тизими тубдан ислох қилинди. Хусусан, олий таълим муассасалари сони 210 тага етди. Натижанда олий таълим билан камров 2016 йилдаги 8 фоиздан бугунги кунда 38 фоизга етказилди. Бу эса яна 200 мингдан ортиқ йигит-қиз учун олий таълим муассасаларида таҳсил олиш имкониятини яратди.

Шунингдек, олийгоҳларда ёшлар баҳога ўқийётган 3488 талаба-ёшнинг шартнома тўлови учун 9,88 миллиард сўм маблағ тўлаб берилди. Эҳтиёж-манд оилалар қизлари учун ажратилган грантлар сони икки баробар кўпайтирилиб, икки минггага етказилди. “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали илм-фанга чанқоқ, истеъдодли 1465 йигит-қиз етакчи хорижий олий ўқув юртида бакалавр, магистратура ва докторантура босқичларида ўқиш имкониятига эга бўлди. Асосий мақсад жамиятдаги ёшларнинг бунёдкорлик салоҳиятини ошириш, мустақил ҳаётда муваффақиятга эришиш имконини кенгайтиришдан иборат.

Мазкур имкониятларнинг ҳуқуқий қафолати сифатида давлатга қарашли ОТМларда ҳар йили тўғридан-тўғри давлат ҳисобидан ўрин ажратилиши ва уларни ҳар қандай абитуриент тест натижалари бўйича танлов асосида эгаллаши мумкинлигини аниқлаш ҳуқуқий норманинг Конституция даражасида мустақамлаштирилиши — моддий аҳволидан қатъи назар, билимли ва иқтидорли йигит-қизларни кўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутди.

Бундан ташқари, янги тахрирдаги Конституцияда фуқароларнинг бепул бошланғич касб-хунарга ўқитилиши мустақамлаб қўйилмоқда. Бунда ногиронлиги бор болаларга ўз тенгдошлари билан бир хил таълим олиши учун барча шароитни ва имкониятларни назарда тутувчи инклюзив таълим ҳам конституциявий норма даражасида асосий қонунга киритилмоқда. Бу, албатта, жисмоний нуқсонга эга болаларимиз аққалиниб қолмаслиги, жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида камол топиши учун муҳим қафолат бўлади.

Аҳолиимизнинг қарийб 55 фоизини ёшлар ташкил этади ва ҳар йили меҳнат бозорига 600 мингдан ортиқ йигит-қиз кириб келмоқда. Албатта, бундай демографик ўсиш биз учун ҳам имконият, ҳам жуда катта масъулиятдир. Бунда эса зарур тажриба, билим ва амалий кўникма камлиги сабаб ёшларга камроқ иқтисодий имкониятлар тақсими учун уларга алоҳида эътибор жоиз бўлади. Шу тўғрисида Конституцияда ёшлар ҳуқуқлари ҳимояланиши ва уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштироки рағбатлантирилиши қафолатланмоқда. Бу орқали ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, халқнинг бой маданий меросидан фойдаланиш, ватанпарварлик туйғуси шаклланишига эришиш мумкин бўлади. Бундан ташқари, ёшларнинг таълим олиши, ижтимоий ва тиббий ҳимояси, уй-жойли бўлиши, бандлиги учун шарт-шароит яратиш — давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида белгиланган. Янги давлат ўз зиммасига бундай муҳим мажбуриятларни олиш орқали нафақат ёшлар манфаати, балки бутун жамиятимиз ва мамлакатимизнинг келгуси тақдирини унинг гамхўрлигини намоён қилаётди.

Албатта, бугунги конституциявий ислохотлар фарзандларимиз эртаси, ёрқин келажаги учун. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, “Янгилашган Конституция мамлакатимизнинг узоқ муддатли тарақиёт стратегиялари, умуман, юртимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустақам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли қафолат яратиши лозим!”.

Фарангиз АВАЗБЕКОВА, юридик фанлар бўйича философа доктори (PhD)

НУҚТАИ НАЗАР

“Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси тўғрисида” ги конституциявий қонун лойиҳаси чуқур ва ҳар тарафлама муҳокама қилиниб, кенг жамоатчилик вакиллари, малакали мутахассислар ва экспертлар тақлифи асосида такомиллига етказилди.

Янги тахрирдаги Конституцияни референдум ўтказиш йўли билан қабул қилиш белгиланди. Бу, ўз навбатида, ҳар бир фуқарога сиёсий ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда давлатнинг бош қонун лойиҳасини қабул қилиш жараёнида бевоқиф широк этиш имкониятини беради.

Янги тахрирдаги Конституцияда жамият ва инсонларнинг иқтисодий ҳаёти билан боғлиқ қатор муҳим нормалар кўзда тутилган. Ҳар бир шахснинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи, мулкдорнинг ўз мол-мулкидан эркин фойдаланиши ва тасарруф этиши, ундан суд қарорисиз маҳрум этилмаслиги, уй-жойга бўлган ҳуқуқи дахлсизлиги, ердан хусусий мулк сифатида фойдаланиш ҳуқуқи таъминланиши каби нормалар шулар жумласидандир.

Бир томондан, охириги йилларда юртимизда амалга оширилаётган муҳим иқтисодий ислохотлар бу каби нормаларни Асосий қонунимизда акс эттириши талаб этаётган бўлса, бошқа томондан, мулкчилик муносабатлари шиддат билан ривожланиши ва мулкдорнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга эҳтиёж Конституциямиздаги мулкчилик билан боғлиқ ҳуқуқий нормаларни такомиллаштиришига тақозо этмоқда.

Шу боис, янги тахрирдаги Конституцияга кўра, энди ҳеч ким суд қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги,

давлат ҳокимияти органларининг конституциявий бурчи ва устувор вазифаси сифатида қатъий белгиланса, мамлакат бошқаруви самардорлиги ҳам шунчалик юқори бўлади.

Янги тахрирдаги Конституция лойиҳаси икки босқичда халқимизнинг фикри, тақлифлари асосида шакллантирилди. Бу эса Асосий қонунимизда жамиятимиздаги барчанинг

дахлсиздир. Мулкдор ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланган ҳолда маҳрум этилиши мумкин эмас.

Мазкур норманинг Конституцияда акс эттирилиши, авваламбор, давлатимиз иқтисодиётида муҳим роль ўйнаётган мулкдорлар ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши қафолатларини кучайтирса, иккинчи томондан, мулкчилик муносабатларининг янада мустақам ривожланишига ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади, мамлакат иқтисодиёти ривожланишига ва халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашига мустақам ҳуқуқий пойдевор бўлади.

Амалиёт кўрсатмоқдаки, мулк ҳуқуқини қатъий таъминлаш ва ҳимоя қилиш борасидаги муаммолар, мансабдор шахслар фаолиятидаги бюрократия ва сансалорлик соҳадаги шикоятлар сезиларли даражада кўпайишига олиб келади.

Юртимиздаги ислохотлар ва қўрилган чоралар натижасида хусусий мулкни ҳимоя қилиш таъминлаш ва ижтимоий муаммолар сезиларли даражада ҳал этилган бўлса-да, айрим ҳолларда хусусий мулк ҳуқуқини ўзбошимчалик билан поймол қилиш, айрим мансабдор шахсларнинг адолатсиз ва асосиз вахшлар билан кўчмас мол-мулкни бузиш ҳолатлари ҳам кузатилаётган.

Юқоридаги конституциявий норма, ўз навбатида, мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги муаммоли вазиятларга барҳам беради ва мансабдор шахсларни мулк ҳуқуқини билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишда жиддий ҳушёрликка чақиради.

МУЛК ҲУҚУҚИ ДАХЛСИЗЛИГИНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯСИ



Бугунги кунда фуқароларга тегишли уй-жойлар, тадбиркорларга тегишли ишонар жойлашган ер участкалари уларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли эмас, яъни бино ўзиники, ер давлатники. Бозор иқтисодиёти ер ҳам хусусий мулк ҳуқуқи асосида уларга тегишли бўлишини талаб этади.

Мамлакатимизда фуқаролар ва юридик шахсларга тегишли ерларни уларнинг ўзи томонидан хусусийлаштириб олиш имконияти яратилмоқда. Хусусан, “Кишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида” ги қонунга мурофиқ, фуқаро ва юридик шахслар ер участкаларини хусусийлаштириши мумкин.

Ернинг хусусий мулк сифатида берилиши тўғрисидаги норманинг амалиётга жорий этилиши Ўзбекистон шароитидаги иқтисодий муносабатларда ўта муҳим ислохот бўлиб, уни Конституцияда акс эттириши, авваламбор, бозор муносабатлари ривожланиши талаб этаётди. Шу билан бирга,

хусусий мулк бўлган ер участкасининг мулкдори унга нисбатан ҳақиқий мулкдор сифатида уни сотиш, ҳада қилиш, айирбошлаш, гаровга қўйиш, мерос қилиб қолдириш ҳуқуқини кўлга киритади. Энг муҳими, бундай ерни давлат фақат мулкдорнинг розилиги билан, шартнома асосида ва бозор нарҳида баҳолатгандан сўнг жамоат эҳтиёжлари учун қайта сотиб олиши мумкин. Бир сўз билан айтганда, ер “снос”га тушиб кетмайди, давлат ерни келишилган нарҳда мулкдорнинг розилиги билан сотиб олганга, ер унга ўтади.

Ҳеч бир муболағасиз, ушбу норма янги тахрирдаги Конституциямиздаги инқилобий янгиликлардан бири бўлиб, мулкчилик муносабатларидаги катта бўшлиқни тўлдирди.

Қаҳҳор ЖУМАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти етакчи илмий ходими

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТИНЧЛИКПАРВАР ТАШҚИ СИЁСАТИ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI REFERENDUMI

2023



Кодир ЖўРАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси ўринбосари

ЯНГИ ТАХРИРДАГИ КОНСТИТУЦИЯ БУ БОРАДАГИ ЭЗГУ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ДАВОМИЙЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

булиб, асосий вазифа эндигина қўлга киритилган мустақилликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, тоталитар совет тузумининг оғир асоратларини бартараф қилиш, миллий давлатчиликни барпо этиш эди. Бинобарин, бундай шароитда баъзи муҳим масалалар Бош қонунимизга кирмай қолган. Хусусан, 17-моддада халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва принциплари тўлиқ акс этмаган.

Ҳозир эса Конституциямизни замон талабларига ва руҳига мослаштириш, унга халқаро ва миллий тажриба асосида зарур ўзгаришлар киритиш давр тақозосига айланди. 17-моддага киритилаётган, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принципларидан бири бўлган давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги принципи ҳар қандай давлатнинг ҳудудий яхлитлиги ва сиёсий мустақиллигига қарши куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилишни тақиқлайди. Мазкур принцип халқаро ҳуқуқий амалиётда БМТ низомининг қабул қилиниши билан ўрнатилди ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактларда ўз аксини топди.

Ушбу принцип кейинчалик 1975 йилда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг якуновчи актида ҳам тўлиқ ифодасини топган бўлиб, унда куйидагилар қайд этилган: "Иштирокчи давлатлар ҳар бир иштирокчи давлатнинг ҳудудий яхлитлигини эътироф этади. Улар БМТ уставининг мақсад ва тамойилларига зид равишда бирор-бир иштирокчи давлатнинг ҳудудий яхлитлиги, сиёсий мустақиллиги ёки бирлигига қарши ҳар қандай ҳаракатлардан, хусусан, куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан ўзларини тийида. Иштирокчи давлатлар бир-бирининг ҳудудини ҳарбий оккупация қилишдан ёки халқаро ҳуқуқни бузган ҳолда куч ишлатишнинг бошқа бевосита ёки бундай чоралар билан таҳдид қилиш орқали қўлга киритиш объектига айланган ҳудудларнинг таъминини тийида. Бундай турдаги ҳеч қандай оккупация ёки қўлга киритиш қонуний деб тан олинмайдиган".

Юқоридаги принципдан ташқари, амалдаги Конституциямизнинг 17-моддаси 2-қисми янада тўлдирилган ҳолда янги — 18-моддада қўйидагича баён этилмоқда: "18-модда. (Биринчи қисм) Ўзбекистон Республикаси давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама муносабатларни ҳар тарафлама ривожлантиришга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга оширади. (Иккинчи қисм) Ўзбекистон Республикаси давлатнинг, халқнинг олий манфаатларидан, унинг фаровонлиги ва хавфсизлигидан келиб чиққан ҳолда иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа

давлатлараро тузилмаларга кириши ҳамда улардан чиқиши мумкин".

Конституцияга киритилаётган ушбу янги норма биз учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у, бир тарафдан, мамлакатимиз томонидан юритилаётган ҳозирги вазмин, изчил, прогрессив, конструктив ва тинчликсевар ташқи сиёсатга тўлиқ мос келади. Иккинчидан, Ўзбекистоннинг дунёга очкичилигини, олдиндан башорат қилиш мумкин бўлган давлат эканини ва узоқ-яқиндаги давлатлар билан ҳамкорлик учун ҳаммаши тайёрлигини ўзида яққол мужассам этади. Ушбу норма хорижий шерикларимиз билан муносабатларда сўнгги 5-6 йилдан буён эришган ютуқларни сақлаб қолиш ва янада мустаҳкамлаш имконини беради.

Халқаро шартномалар — миллий ҳуқуқ тизимининг ажралмас қисми

Янги тахрирдаги Конституциямизда халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда

ЯНГИ ТАХРИРДАГИ КОНСТИТУЦИЯМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ҲУҚУҚ ТИЗИМИ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ СИФАТИДА БЕЛГИЛАНИШИ УШБУ ҲУЖАТЛАР НОРМАЛАРИ ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ АМАЛ ҚИЛИНИШИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА. АЙНИҚСА, СУДЛАР, ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ИДОРАЛАРИ ВА БОШҚА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ, ФУҚАРОЛАР ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР НОРМАЛАРИГА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ТАЯНГАН ҲОЛДА ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.

ишончли кафолат сифатида қатор янги нормалар мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Улар замирида мустақиллигимизни асраб-авайлаш ва янада мустаҳкамлаш, келажак авлодларга овоз ва эркин Ватан қолдириш, халқ манфаатлари йўлида қўзланган ислохотлардан орта қайтмаслик, қонун ва адолат устуворлиги, инсонга эътибор ва ғамхўрлик каби муҳим қадриятлар мужассам. Ана шундай нормалардан бири 15-модданинг учинчи ва тўртинчи қисмига киритилаётган қўшимчалар бўлиб, уларга қўра, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисми сифатида мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Шу билан бирга, агар халқаро шартномада қонунларда назарда тутилгандан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилиши белгиланмоқда.

Мазкур қўшимчалар амалдаги "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонун талаблари ва хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда киритилмоқда.



Янги тахрирдаги Конституциямизда Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг миллий ҳуқуқ тизими таркибий қисми сифатида белгиланиши ушбу ҳужжатлар нормалари тўғридан-тўғри амал қилиниши таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. АЙНИҚСА, СУДЛАР, ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ИДОРАЛАРИ ВА БОШҚА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ, ФУҚАРОЛАР ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР НОРМАЛАРИГА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ТАЯНГАН ҲОЛДА ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.

Юқоридаги норма халқаро конституциявий таърибага ҳам тўлиқ ҳамоҳанг бўлиб, қатор давлатлар конституцияларида мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, Франция, Германия, Испания, Словения каби давлатлар конституциявий амалиётда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормалари миллий ҳуқуқий тизимининг таркибий қисми экани белгиланган.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида миллий қонунчиликда назарда тутилгандан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилишига

оид қоидаларнинг белгиланиши эса бевосита халқаро ҳуқуқнинг "Pacta sunt servanda", яъни "шартномалар бажарилиши лозим" тамойилидан келиб чиқади. Ушбу тамойил БМТ устави ҳамда Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенциясида мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, унга мувофиқ, давлатлар халқаро шартномаларга қўра, ўз зиммасига олган мажбуриятларни виждонан бажариши шарт.

Халқаро шартномалар халқаро ҳуқуқнинг турли субъектлари, хусусан, давлатлар ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ёки бошқа соҳаларга оид ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берадиган келишув бўлиб, улар икки томонлама ва кўп томонлама шартномаларга бўлинади. Кўп томонлама шартномаларнинг ҳам, ўз навбатида, очик ва ёпиқ турлари мавжуд бўлиб, очик халқаро шартномага бошқа давлатлар ҳам бемалол қўшилиши мумкин. Епиқ халқаро шартномага эса бошқа давлатлар ушбу халқаро шартнома иштирокчиларининг розилиги билангина қўшили олади.

Халқаро шартномаларнинг номлари ҳам турли-туман бўлиб, уларга шартнома, битим, конвенция, пакт, декларация, меморандум, статут, баённома, низом ва бошқалар кирди. Халқаро шартномалар мuddати тугаганидан сўнг тарафларнинг ўзаро келишувига асосида мuddати узайтирилиши ёки денонсация йўли билан амал қилишдан тўхтатилиши мумкин.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида 4000 дан орტიқ турли-туман халқаро шартномага қўшилди.

Халқаро шартномаларни тузиш, ижро этиш, уларнинг амал қилиниши тўхтатиб туриш ва тугатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган "Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"ги қонун 1995 йилда қабул қилинди ва 2019 йилда янгиланди.

Албатта, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг миллий ҳуқуқ тизимининг таркибий қисми сифатида конституциявий даражада белгиланиши, бир томондан, давлатимизнинг ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларга доимо содиқ қолишини билдириб, халқаро миёёда ишончли ҳамкор сифатида намоён бўлишига хизмат қилса, иккинчи томондан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини нафақат миллий қонунчилик, балки халқаро ҳуқуқ асосида ҳимояланиши таъминлайди.

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Баҳриддин ГИЁСОВ, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

"Сиз сукут сақлаш ҳуқуқига эгасиз. Берган кўрсатмаларингиздан судда ўзингизга қарши фойдаланиши мумкин. Сўроқ жараёнида адвокатингиз қатнашиши мумкин. Агар адвокат хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмасангиз, сиз давлат томонидан адвокат билан таъминланасиз. Ҳуқуқларингизни тушундингизми?"

Хуқуқ-тартибот идоралари ходимлари жиноятчини қўлга олиш чоғида шу жумаларни тасдорлайдиган хориж фильмларидаги бу иборалар сизга таниш бўлса керак. Аслида, бу сўзлар халқаро ҳуқуқий норма сифатида қабул қилинган бўлиб, "Миранда қоида"нинг элементар формуласи саналади.

Очиги, XX асрнинг 60-йилларида кучга кирган ушбу қоида тўғрисида кўпчилик тўлиқ маълумотга эга эмас. Аслида, "Миранда қоида" АҚШнинг Аризона штатида истикомат қилган ва жиноятчиликда айбланган испаниялик Эрнест Артуро Миранда номи билан боғлиқ. 1966 йилда ҳибсга олинган Эрнест бир неча соат ўтгач,

"МИРАНДА ҚОИДАСИ" Асосий қонунимизда мустаҳкамланяпти

ўзига қўйилган ҳамма айбловларга иқдор бўлди ва "иқдорлик менинг илтимосим бўйича, ҳеч қандай босим, таҳдид, дахлсизлик ваъдаларисиз, ҳуқуқларимни билган ва у менга қарши ишлатилиши мумкинлигини тушунган ҳолда амалга оширилган", каби сўзлардан иборат бўлган иқдорномага имзо чекиди. Бироқ унинг адвокати Алвин Мурнинг АҚШ Олий судига берган апелляция шикоят натижасида суднинг айблов ҳукми бекор қилинди.

Негаки, Эрнестнинг иқдорлиги билан АҚШ Конституциясига киритилган бешинчи ва олтинчи тузатишларнинг бузилгани сабабли у иш материалларидан чиқариб ташланди. Бу қоида кейинчалик бошқа давлатлар Конституцияси ва қонунларида ҳам ўз аксини топди ҳамда бугунги кунга келиб, шахсий ҳуқуқларнинг "фаворити"га айланди.

"Миранда қоида"нинг конституциявий мустаҳкамланиши жиноят иши ҳолис тергов қилиниши ва тергов органлари томонидан ҳар қандай гайриқонуний ҳаракатлар ва тақиқланган усуллар қўлланилишининг олдини олади.

Бу қоида талаблари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига ҳам ўз аксини топмақда. Хусусан, 28-моддада келган нормаларда "Тумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаш шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин. Ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмас. Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилши ёки жазага тортилиши мумкин эмас"лиги қатъий белгилаб қўйилган. Бу эса ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари шахсини ушлаб туриш вақтида мазкур нормаларни унга дастлабки ҳуқуқий маълумот ўрнида эслатиб ўтиши шартлигини аниқлатади.

Бошқача айтганда, халқаро қонунчиликда сукут сақлаш ёки ҳеч қандай кўрсатма бермаслик ҳуқуқи айбсизлик презумпцияси тамойилига асосланади.

Жумладан, сукут сақлаш ҳуқуқи, яъни ўзига нисбатан қўйилган гумон хусусида ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари тўғрисида кўрсатма беришдан бош тортиш ҳуқуқи Жиноят-процессуал кодексининг 48-моддасида кўрсатилган. Ушбу модда талабига қўра, гумон қилинувчи зиммасига кўрсатма бериш, шунингдек, ўзининг жиноятга алоқадор эмаслигини ёки ишнинг бошқа бирор ҳолатларини исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмаслиги кўрсатилган. Бундан ташқари, ушбу кодекснинг 46- ва 48-моддаларига мувофиқ, шахс ўзига қўйилган айблов ё гумон хусусида ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари тўғрисида кўрсатма бериш ёхуд кўрсатма беришдан бош тортишга ҳамда ҳимоячига эга бўлишга ҳақли. Қолаверса, қамоққа олинганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга телефон орқали кўнгирок қилиш ёхуд хабар бериш, берган кўрсатмаларидан жиноят ишига доир

"МИРАНДА ҚОИДАСИ"НИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ МУСТАҲКАМЛАНИШИ ЖИНОЯТ ИШИ ҲОЛИС ТЕРГОВ ҚИЛИНИШИ ВА ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ҲАР ҚАНДАЙ ҒАЙРИҚОНУНИЙ ҲАРАКАТЛАР ВА ТАҚИҚЛАНГАН УСУЛЛАР Қўлланилишининг олдини олади.

далиллар сифатида ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш ҳуқуқига эга.

Аммо шунинг унутмаслик кераки, барча фуқароларимиз Жиноят-процессуал кодексининг юқорида қайд этилган нормаларидан тўлиқ хабардор, деб бўлмади. Демак, бу каби нормаларни ҳаётга кенг татбиқ этиш рентабеллигини таъминлашнинг самарали усули, мазкур қоидаларни фуқароларнинг ҳаётига яқин бўлган ҳуқуқлар жамланмасига киритишдир. Шу боис, янги тахрирдаги Конституциянинг 28-моддаси бешинчи бандида шахснинг ўз айбини тан олгани унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилши ёки жазага тортилиши мумкин эмаслиги, 29-модданинг иккинчи ва учинчи бандларида эса ҳар бир шахс жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганда эса унинг ҳаракатлари эркинлиги ҳуқуқи амалда чекланган пайдан эътиборан ўз танловига қўра, адвокат ёрдамида фойдаланиш ҳуқуқига эгаллиги, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи айбловнинг моҳияти ва асослари тўғрисида хабардор қилиниши, унга қарши ёки унинг фойдасига гувоҳлик бераётган шахсларнинг сўроқ қилинишини талаб этиш, таржимон ёрдамида фойдаланиш ҳуқуқига эгаллиги тўғрисидаги нормалар акс эттирилиши конституциявий ислохотларнинг шахсий ҳуқуқлар бора-сидаги янги қадами бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Шахсий ҳуқуқлар борасида ушбу масаланинг бошқа томонларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш ўринлидир. Яъни 29-модданинг шахсий ҳуқуқларни ҳамда рўёбга чиқариш борасида катта аҳамиятга эга яна битта қоида мавжуд бўлиб, бу олтинчи бандда келтириб ўтилган ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилиниши, давлат жабрланганларга ҳимояланиши ва одил судловдан фойдаланиши таъминлаши ҳамда уларга етказилган зарарнинг ўрни қоплаши учун шарт-шароитлар яратиши кафолатланганлигидир. Илгари шунга ўхшаш нормалар фақатгина ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятини тартибга солиш қонунларида ёки мазкур идораларнинг идоравий ҳужжатларида учрайдиган бўлса, эндиликда бундай қоидаларни Конституцияга киритиш давлат томонидан фуқаролар жабрланганининг олдини олишда, уларга қонуннинг тарзда етказилган зарарини ўрни қоплаш амалиётини изчил йўлга қўйишда эталон вазифасини ўтайди.

Умуман олганда, "Миранда қоида" қонунчилигимизда илгари ҳам акс этган бўлса-да, у тарқоқ ҳолда учрагани инобатга олинса, бу қоида битта норма атрофида жамлаш кўпроқ самарадорликка эришиш имконини бериши табиий. Бошқача айтганда, "Миранда қоида"нинг Асосий қонунимизда акс этиши халқимиз кутган натижаси беради.

ОБОД МАНЗИЛЛАР

СУВ ЕТИБ БОРМАГАН ХОНАДОН,

АСФАЛЬТЛАНМАГАН КЎЧА

ҚОЛМАЙДИ

Тошлоқ туманидаги "Чек" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда тоза ичимлик сув қудуғи қазилиб, 5 километрдан ортиқ масофага қувор тортилди. Натижанда 4 мингдан ортиқ аҳолининг кундалик ҳаёти учун муҳим бўлган сув таъминоти тубдан яхшиланди.

— Маҳалламиз туман марказидан 20 чақирим олдидан жойлашган, — дейди меҳнат фахрийси Низомиддин Ғофуров. — Ярим асри, сув, йўл, электр энергияси билан боғлиқ муаммолар силламинини қуритган. Утган асрнинг 60-йилларида қазилган сув қувори маҳалламиздан икки километр олдига жойлашган. Сувни идишларда ташиб ичганимиз. Айни кунларда ичимлик сув таъминотини яхшилашга, ёзда чанг, қишда лойга ботган кўчаларимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига кўпнинг ҳаваси келади. Энди ҳаммаси бошқача. Сув тармоқлари ҳар бир хонадонга кириб борди. Бу бебаҳо обихаётни исроф қилмаслик, эҳтиёж ва имкониятга яраша фойдаланишимизда қўл келмоқда. Обод бўлган хонадон, кўчалар одамлар кайфиятини кўтарди.

Бу бежиз эмас. Кейинги йилларда туман аҳолисининг тоза ичимлик сув, ички йўл ва электр энергия таъминотини яхшилаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Утган йилнинг ўзига барча йўналишларда 70 километрдан ортиқ ичимлик сув тармоқлари тортилди. Биргина "Обод қишлоқ" дастури доирасида Найманбўстон ва Хонақа маҳаллаларида 35 километрдан ортиқ масофага янги сув қуворлари тортилиб, ишга туширилди. Республика бюджетли маблағлари ҳисобидан "Айланмажар" ва "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғинларида умргузаронлик қилаётган мингдан ортиқ хонадон эгалари ичимлик сув билан таъминланди. Шу билан бирга, замонавий қиёфа касб этиб бораётган йўл бўйларига тунги чироқлар ўрнатилди, пиёдалар йўлаклари қурилди, ободонлаштирилди, сугориш тизимлари жорий этилди.

"Ташаббусли бюджет" лойиҳаси асосида "Суфилар", "Хонарик", "Садада" маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолисининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш учун 2 миллиард 430 миллион сўм маблағ ажратилиб, қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Маҳаллий бюджетдан йўналтирилган маблағлар ҳисобидан "Жарқишлоқ", "Училиш", "Меҳнатобод", "Янги йўл", "Юқориқишлоқ", "Хўжаарик", "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғинларида сув таъминоти билан боғлиқ амалий ишлар поёнига етди.

— Кўлами кенг ислохотларда Президентимизнинг 2022 йил 25 октябрдаги "2022–2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда, — дейди "Фарғона-сувтаъминоти" МЧЖ Тошлоқ тумани филиали раҳбари Ҳалимжон Одиллов. — Йил якунига қадар аҳолининг тоза ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси 92 фоизга етади. Ҳозирда 17 та

минораси, сув насоси, трансформатор ўрнатиш, химоя ҳудудини ўраш ҳамда 5,4 километр сув тармоғи тортиш ишлари жадал олиб бориляпти.

— Ҳар бир хонадонга тоза ичимлик сув тармоғи тортилиб, сув жўмрақлари ўрнатилаётган экан, дейишса, тўғриси, ишонмагандик, — дейди МФЙ раиси. — Энг асосийси, сувни узоқдан ташиб келиш билан боғлиқ муаммо барҳам топди. Бўлаётган ўзгаришлардан маҳалладошларим жуда хурсанд.



маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда республика бюджетли маблағлари ҳисобидан 106,8 километр ичимлик сув тармоғи тортиш, 14 та янги ичимлик сув иншооти қуриш, 17 та сув минораси ўрнатиш ва мавжудларини таъмирлаш ишлари жадал давом этмоқда. Замонавий техникалар ёрдамида ички кўчаларга қувор ётқизиш ва уни ҳар бир хонадонга олиб кириш билан боғлиқ ишлар бир дам бўлса-да, тўхтагани йўқ. Манзураҳон Жўрабоева раислик қилаётган "Қанжирга" маҳалла фуқаролар йиғини ичимлик сув таъминоти бўйича энг оғир ҳудудлардан бири эди. Айни кунда мавжуд муаммолар ўз ечимини топмоқда. Бу ерда янги қудуқ қазилди, сув

Битта маҳаллада шунча ўзгаришлар. Бу ободлик қалбимизга қувонч, хотиржамлик олиб кириляпти. Ҳамма нарса аҳоли манфаати, бугунги ва эртанги фаровонлиги йўлида қилинаётган ислохотларнинг амалий кўриниши.

"Хотинкуми" маҳалла фуқаролар йиғини туман марказига яқин жойлашган кўча масканлардан. Аммо ичимлик сув шу кўча қадар бошқа ҳудудлардан ташиб келинган. Айниқса, ёз иссиги, қишда қиёвчи кунларда бу масала янада долзарб бўларди. Энди бундай ҳавотирларга ўрин қолмади. Қишлоқда умумий узунлиги 8,5 километр тоза ичимлик сув тармоғини тортиш, 2 та сув иншоотини қуриш ишлари олиб

борилмоқда. Бу ерда умумий қиймати 3 миллиард 800 миллион сўм бўлган қурилиш-монтаж ишлари бажарилади.

— Келин бўлиб тушганимга қирқ беш йил бўлди, — дейди Умида Рустамова. — Сувни сотиб олардик. Шўр, барча кийинчиликлар ортада қолди. Ҳар бир хонадонга сув тармоғи олиб кириб берилаётгани катта имконият. Шунингдек, йўл, электр таъминоти билан боғлиқ масалалар ечимига эътибор қаратилаётгани оғиримизни енгил, узоғимизни яқин қилмоқда.

Утган бир йил давомида "Хотинкуми" маҳалла фуқаролар йиғинида 250 метрдан ортиқ ички йўллар асфальтланди, темир-бетон устунлар алмаштирилиб, кўча чироқлари қўйилди, замонавий тўйхона қурилди. Ногиронлиги сабаб "Темир дафтар"да турган Зикрилло Ёрмухаммедов оиласига саховатпеша тadbиркор Раҳматилло Абдураҳмонов ҳомийлигида уч хонали уй-жой қуриб берилди.

— Сув етиб бормаган хонадон, асфальтланмаган кўча қолмайди, — дейди Тошлоқ туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича уринбосари Авазбек Деҳқонов. — Жорий йилнинг ўзига туманимиздаги 41 та маҳалла фуқаролар йиғинида умумий қиймати 112 миллиард 576 миллион сўм бўлган замонавий инфратузилма тармоқлари қуриш ва ободончилик ишлари амалга оширилди. Дастлабки чорақда 14 та маҳаллада сув тармоқлари тортиш, 12 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги ички йўлларни асфальтга тайёрлаш ва 1 та маҳаллада электр энергияси таъминотини яхшилаш бўйича ишлар бошланган. Ҳозирга қадар жами 46 километр йўл шағаллаштирилди, 40 километр асфальт ётқизилди, 36 километр сув тармоғи тортилиб, 9 та қудуқ қазилди ишлари якунига етказилди, эътибор таъминотини яхшилаш мақсадида 70 дан ортиқ бетон таянчлар олиб келиб ўрнатилди.

Сирасини айтганда, аҳоли кундалик ҳаёт тарзи, иш амаллари учун муҳим бўлган инфратузилма тармоқлари қуриш, иш сифатини тубдан яхшилаш, қўшимча қўлайлик ва имкониятлар яратиб бериш, янги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган истиқболли лойиҳалар аҳоли оғирини енгил, узоғини яқин қилиш имкониятини бермоқда.

Расулжон КАМОЛОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири



ХУДУДЛАР ҲАЁТИ

ҚОРАҚАЛПОФИСТОН:
САНОАТ РИВОЖИГА
ЭЪТИБОР ОШМОҚДА

Бошланғич 1-бетда

Қорхонада, асосан, маҳаллий аҳоли ишлайди. Айни пайтда заводда 60 нафардан зиёд киши доимий иш билан банд. Яна 20 киши мавсумий ишлаши учун имконият бор.

— Қорхонамиз Туркиядан келтирилган замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Бугдўйни Қозоғистондан олиб келамиз. Бизда, асосан, биринчи ва иккинчи навли ун ишлаб чиқарилади, — дейди қорхона технологи Рустам Қаниязов. — Бугун юртимизда ун ишлаб чиқарувчи қорхоналар уртасида соғлом рақобат кучли. Бу эса, ўз навбатида, истеъмолчиларга сифатли ун маҳсулотлари етказиб беришда жуда муҳим аҳамиятга эга.

Сўнгги олти йилда Қорақалпоғистонда 15 триллион сўмлик инвестиция жалб этилиши ҳисобидан 5300 дан зиёд лойиҳа амалга оширилди. Тадбиркорлар сони икки баробар кўпайиб, 46 мингта доимий иш ўрни яратилди. Авваллари саноати паст ривожланган 6 та туманда ишлаб чиқариш икки-уч баробар ортиб, республикадаги улуши 12 фоизга етди. Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистонга ташрифи чоғида йирик қувватлардан бири — Қораўзақ туманидаги "Қорақалпоқ цемент" қорхонасининг учинчи босқичини ишга туширган эди. Бундан беш йил олдин чўл ҳудудда фаолият бошлаган "Қорақалпоқ цемент" қисқа фурсатда юқори кўрсаткичларга



цементдан бугун республикадаги барча қурилишларда фойдаланиляпти, — дейди Муҳитдин Буронов.

Заводда маҳсулотнинг сифатига алоҳида эътибор қаратилган. Шу боис, замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланган лаборатория ишлармоқда.

— Биз лойиҳанинг учинчи босқичини ишга туширдик, — дейди хитойлик муҳандис Ли Фей. — Унинг афзал жиҳати шунки, биринчидан, энергияни тежайди. Иккинчидан, атроф-муҳитни ифлос қил-

“ БУНДАН БЕШ ЙИЛ ОЛДИН ЧЎЛ ҲУДУДДА ФАОЛИЯТ БОШЛАГАН “ҚОРАҚАЛПОҚ ЦЕМЕНТ” ҚИСҚА ФУРСАТДА ЮҚОРИ КЎРСАТКИЧЛАРГА ЭРИШДИ. 2017 ЙИЛИ ҚОРХОНА 200 МИНГ ТОННА ЦЕМЕНТ ИШЛАБ ЧИҚАРГАН БЎЛСА, 2019 ЙИЛГА КЕЛИБ БУ КЎРСАТКИЧ 400 МИНГ ТОННАГА ЕТДИ. ҲОЗИРГИ КУНДА ЗАВОДНИНГ ЙИЛЛИК МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТИ 1 МИЛЛИОН 200 МИНГ ТОННА. УЧИНЧИ БОСҚИЧДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ 1 МИЛЛИОН 400 МИНГ ТОННАГА ЕТАДИ.

эришди. 2017 йили қорхона 200 минг тонна цемент ишлаб чиқарган бўлса, 2019 йилга келиб бу кўрсаткич 400 минг тоннага етди. Ҳозирги кунда заводнинг йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати 1 миллион 200 минг тонна. Учинчи босқичда ишлаб чиқариш ҳажми 1 миллион 400 минг тоннага етди.

Қорхона фаолиятини бошлаганда 200 киши доимий иш билан банд эди, ҳозир эса улар сони 500 нафардан зиёд.

— Икки ярим йилдан бери шу қорхонада ишлайман, — дейди ишчи Сардор Хайитбоев. — Одам ўз ишини яхши қурса, албатта, меҳр билан, муҳаббат билан бўёқлаш цехини ташкил этиш қолди, холос. Бунинг учун туманимизда тозалаш иншооти мавжуд бўлмаганига боис, тўхтаб қолганди. 2022 йили давлатимиз раҳбарининг қорхонамизга ташрифи давомида туманда тозалаш иншоотини қуриш бўйича топишқир бериб, бу борада муаммомиз ҳал бўлишига катта ёрдам берди. Шу билан бирга, иншоотни бунёд этишга 40 миллиард сўм маблағ ажратилиши борасида ҳам кўрсатма берганди. Ҳозирда ҳукумат томонидан белгиланган маблағ ажратилган, айни кунларда лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Демак, тез орада бу ҳам амалга ошади.

Президентимиз ташаббуси билан айнан тўқимачилик саноатига бўлган эътибор самарасида "Бунёдкор" пахта-тўқимачилик кластери фаолияти тобора кенгаймоқда. Экспорт ҳажми ҳам ортаётганини рақамларда кўриш мумкин. Жумладан, 2018 йилда 400 минг долларлик маҳсулот четга сотилган бўлса, бу кўрсаткич 2022 йилга келиб 8 миллион доллардан ошди. Жорий йилда эса 14,5 миллион долларга етказилади. Ҳозирда Россия, Туркия, Польша ва Миср давлатларидан буюртмалар қабул қилиниб, маҳсулотлар етказиб берилмоқда. Белгиланганидек, бўёқлаш цехи фаолияти йўлга қўйилгач, экспорт ҳажми ўттиз миллион долларга етиши кутиляпти.

— Янги бинолар қурилишига ҳисса қўшаётганимдан бахтиёрман. Чунки ҳар қандай бино қурилишида цемент ишлатилади. Биз ишлаб чиқараётган

майти. Цемент ишлаб чиқариш жараёнида атмосферани ифлослантириши бор гап. Биз сўнгги замонавий технологиялардан фойдаланганимиз учун қорхона таянганда мулкка зарар етказмайди.

Қорхонанинг олдида қўйган режалари талай. Шу кунларда энергияни иқтисод қилиш мақсадида қуёш панеллари ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда. 2023–2024 йилларда қуввати 50 МВтти қуёш панеллари ўрнатилди. Келажакда туртинчи босқич ишга тушса, қорхона қуввати янада ошади.

Бугунги кунда Қорақалпоғистонда саноатни ривожлантириш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, илгор халқаро рақобатбардош замонавий бозор механизмларини жорий қилиш ишлари жадал кечмоқда. Ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош замонавий ташкил этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўз самарасини беради, албатта.

Минажатдин
ҚУТЛИМУРАТОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири



ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

КЛАСТЕР:
ҚАЙТА ИШЛАШНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМИ

Қашқадарё вилоятида пахта ва тўқимачилик саноатини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар бугунги кунда сезиларли даражада юксалиб бораёпти. Жумладан, пахта кластерлари сафи кенгайиб, соҳада янги босқичга қадам ташланмоқда. Далада етиштирилаётган пахта тўғридан-тўғри кластер қорхоналарида толага айлантирилиб, тайёр кийимгача шу ернинг ўзига тайёрланаёпти.

Хусусан, кейинги пайтда биргина Косон туманида йилга ўртача 68 минг тоннага яқин пахта хомашёси етиштирилмоқда. Олдинлари фақат топа экспорт қилинган бўлса, бугун ҳудудда ташкил этилган кластер қорхоналари томонидан етиштирилган пахта тўлиқ қайта ишланганда ҳамда экспортга юқори нархларда йўналтирилмоқда.

Айни пайтда туманда фаолият кўрсатаётган "Бунёдкор" пахта-тўқимачилик кластери соҳада етарли тажрибага эга. Бир сўз билан айтганда, бу ерда айнан давлатимиз раҳбарининг гоёси асосида пахта етиштириш ва уни чуқур қайта ишлашнинг тўлиқ саноат "занжирини" яратилишига эришилмоқда.

Илк бор 2018 йилда фаолият бошлаган ушбу қорхонада босқичма-босқич, яъни тикувчилик, ип-калава, мато ва ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳалари бугунги кунга қадар деярли тўлиқ амалиётга жорий қилинди. Хусусан, тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳа учун 20,8 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Туркия, Италиядан замонавий

дастгоҳлар келтириб ўрнатилди. Улар ёрдамида йилга 6 миллион донагача бежирим либослар ишлаб чиқариш мумкин. Шу билан бирга, 320 та янги иш ўрни яратилди.

Иккинчи босқичда бу ерда ип-калава ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оши-


рилди. Натижанда йилига 8 минг тонна ип-калава тайёрлаш имконияти юзага келди. Ушбу йўналишда ҳам 370 та иш ўрни яратилди ва уларга асосан, "Аёллар дафтари" ва "Темир дафтар"га киритилган хотин-қизлар олинди.

Шунингдек, мато ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди. Масъулларнинг таъкидлашича, цехда ўрнатилган ускуна ва жиҳозлар Германиядан келтирилган бўлиб, йилга 3 минг 900 тонна мато ишлаб чиқариш қувватига эга. Айни пайтда ушбу цехда 200 ишчи-ҳодим меҳнат қилмоқда.

— Қорхонамиз ташкил этилганидан сўнг олдимизга бир қатор вазифаларни белгилаб олгандик, — дейди "Бунёдкор"



Акбар РАҲМОНОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири



Миллий туризм брендинг Янги мезонлари



Алишер ЭШОЕВ,
иқтисодий фанлари доктори, профессор

САЙЁҲЛИК

Айни пайтда бутун дунёда туризм иқтисодийнинг фаол ривожланаётган соҳаларидан бирига айланган бўлмоқда. Бундан бундан кўра давлатлар ўзи учун қўлай туризм йўналишини, яъни бозорда мавқеини эгаллашга, хизматлар кўрсатишнинг ҳар томонлама қўлай йўналишларини танлашга ҳаракат қилмоқда.

Мамлакатимиз туризм салоҳиятини ошириш масалалари муҳокамаси юзасидан Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида туризм ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий-маданий аҳамиятга эга кенг қамровли соҳа экани таъкидланди. Шунингдек, йиғилишда ушбу соҳа изчил ривожланиб бораётгани, жумладан, 2022 йилда юртимизга ташриф буюрган хорижий сайёҳлар сони 2021 йилдагига нисбатан 3 баробар ошгани айтилди. Утган йили соҳа экспорти 1 миллиард 600 миллион долларни ташкил этган. Ички туризм дастурлари доирасида 11 миллиондан зиёд аҳоли саёҳат қилган. Самарқандда янги туризм маркази барпо этилгани натижасида у ерга қўшимча 2 миллион сайёҳ келган.

Субминтақаларга кўра, Ғарбий Европа (87 фоиз) ва Қариб денгизи (84 фоиз) пандемиягача бўлган даражасига яқинроқ келди. 2022 йилда туризм харажатларида кучли ўсиш кузатилган, натижада кўплай йўналишларда пандемиягача бўлган даромадлар тикланган.

2022 йилда Яқин Шарқ минтақалар бўйича энг кучли нисбий ўсишга эришди, бунда ташриф буюрганлар сони пандемиядан олдинги даражадан 83 фоиз кўтарилди. Кўпгина йўналишлар бўйича халқаро туристик тушумларнинг сезиларли ўсиши қайд этилди, бир қанча ҳолларда уларнинг келиши сони кутилганидан юқори бўлди. Бу туристларнинг саёҳат манзилларида узокроқ қолиш мuddати, ўз манзилда кўпроқ пул сарфлашга тайёрлиги ва қисман инфляция туфайли юқори саёҳат харажатлари бир туристга ўртача харажатлар ошиши билан кўлаб-қувватланди.

2022 йил давомида бир қанча йўналишлар, жумладан, Туркия (+40 фоиз), Руминия (+25 фоиз), Мексика (+13 фоиз), Португалия (+15 фоиз), Латвия (+14 фоиз), Покистон, Марокаш (икаласи +6 фоиз) ва Франция (+1 фоиз) каби давлатларда туризмдан олинган даромадлар пандемиягача бўлган даражадан юқори бўлди.

Халқаро экспертлар прогнозига кўра, халқаро туризм 2023 йилда, айниқса, Осиё ва Тинч океани минтақасида пасайган талаб туфайли тикланиши кучайтирилади кутилмоқда. Жаҳон туризм ташкилоти сценарийларига кўра, 2023 йилда халқаро сайёҳлар келиши пандемиядан олдинги рақамларнинг 80-95 фоизини ташкил қилиши, Европа давлатлари ижобий натижаларга эриши кутилмоқда, бунда келувчилар сони пандемиягача бўлган даражага етади ёки ундан ошади. Жаҳон туризм ташкилоти экспертлар гуруҳи ўтказган сўров натижалари кўрсатадики, респондентларнинг 72 фоизи 2023 йилда халқаро туризм янада яхши натижаларга эришишини кутмоқда.

Мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида халқаро туризм бозорига миллий туризм хизматлари улуғлини ошириш учун мустақилликнинг дастлабки йилларидан харажат қилинган. Ўзбекистоннинг 1993 йилда Жаҳон туризм ташкилотига аъзо бўлгани, 1994 йилда БМТ ва ҳукуматимиз ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида Буюк ипак йўлидаги шаҳарларда халқаро туризмни ривожлантириш бўйича Самарқанд декларацияси қабул қилинган, 1998 йилдан Тошкент шаҳрида мунтазам равишда халқаро туризм ярмаркаси ташкил этилиши, 2004 йилда Самарқандда Жаҳон туризм ташкилотининг минтақавий офиси очилиши илк қадамлардан ҳисобланади.

Юртимизнинг туризм салоҳиятини халқаро туризм бозорига реклама қилиш, хорижий сайёҳларни жалб этиш борасида

"KITF-2022", Токиодаги "ТЕJ-2022", Лондондаги "WTM" халқаро туризм кўргазмаларида тарғиб қилинди. Соҳага доир халқаро рейтингларда Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш мақсадида туризм тез ривожланаётган мамлакатлар рўйхати рейтингинда 2019 йилдаги 4-ўридан 2026 йилда 3-ўринга эришиш, сайёҳлар учун хавфсиз мамлакатлар рейтингини (180 мамлакат)да 2020 йилдаги 46-ўридан 2026 йилда 20 та энг хавфсиз мамлакат рўйхатига кириш, Global Muslim Travel Index халоп туризм рейтингинда 2020 йилдаги 7-ўридан 2026 йилда 3-ўринга чиқиш, саёҳат ва туризмнинг рақобатбардошлиги индексида 2026 йили биринчи 50 таликка кириш мақсад қилинган.

Бундан ташқари, Жаҳон туризм ташкилотининг доирасида Европа минтақавий комиссиясига кирувчи давлатлар билан туризм

саммитини юқори савияда ўтказишга хизмат қилди. Улардан янада унумли фойдаланиш, хорижий ва маҳаллий сайёҳларни жалб қилиш республикамиз туризм салоҳиятини янада ривожлантиради. Давлатимиз раҳбари энди уларни ҳам узимизнинг аҳоли, ҳам хорижий сайёҳлар учун ишлатиш кераклиги, ҳеч шубҳасиз улар "Янги туризм дарвозаси" ва янги Ўзбекистоннинг "таширф қўғози"га айланиши қайд этилди.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти 2023 йилда Шаҳрисабзга ушбу ташкилотнинг туризм пойтахти мақоми берди. Ислоҳ ҳамкорлиги ташкилоти Хива шаҳрини 2024 йил ислом дунёсининг туризм пойтахти, деб эълон қилди. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқандда ўтказилган саммитида 2023 йили "Туризмни ривожлантириш йили" деб эълон қилинди. Албатта, юқорида қайд этиб ўтилган ташкилотлар билан ҳамкорликдаги ишлар нафақат туризм соҳаси ривожига, балки мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида обрўси ошишига ҳам олиб келади. Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти хорижий оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлари ва халқаро рейтингларда ҳам кенг эътироф этилмоқда.

Самарқанд шаҳри АҚШнинг машҳур интернет наشري — "The Huffington Post" томонидан эълон қилинган рейтингга мувофиқ, сайёрамизнинг сайёҳлар бориб кўриши лозими бўлган 50 та энг гузал шаҳри қаторидан ўрин олди. Эътиборлики, МДҲ давлатлари шаҳарларидан ушбу рўйхатга фақатгина Самарқанд киритилган.

АҚШнинг "Time" журнали, "Travel Lemming" ва "Forbes Advisor" ва "The New York Times" онлайн саёҳат кўланмалари, Буюк Британиянинг машҳур "British Muslim Magazine" журнали, "Independent", "Rough Sides", "Dorling Kindersley", "Times Travel" ва "Lonely Planet" наشري нашрлари, Россиянинг "Курсив" наشري қабилада Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти ва имкониятлари ҳақида ижобий мақолалар чоп этилди.

"Жаҳон мусулмон саёҳати индекси" халқаро рейтингинда 2022 йилда Ўзбекистон етти поғона юқорилаб, янги пайдо бўлган энг кучли исломий саёҳат дестинацияси сифатида алоҳида эътироф этилди.

Самарқандда барпо этилган янги аэропорт, туризм марказидаги 8 та меҳмонхона, конгресс-холл, парк ва бошқа мажмуалар йирик халқаро тарихий тадбир — Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд

томонидан дунёнинг зиёрат туризми бўйича энг оммабоп 10 мамлакатдан бири сифатида эътироф қилинди.

Ўзбекистоннинг зиёрат туризми салоҳиятини манзилли тарғиб қилиш мақсадида "Ўзбекистон — ислом маданияти маркази" брендини яратиш ва уни Малайзия, Туркия, Россия, Индонезия, Сингапур, Покистон, Ҳиндистон, Буюк Британия ва бошқа мамлакатларнинг марказий масжидларида ҳафталик тадбир шаклида ўтказиш борасида кўчма кўргазма ва тарғибот ишлари олиб боришмоқда.

Шунингдек, Имом Бухорийнинг бебаҳо меросини кенг кўламада оммалаштириш ва тарғиб қилиш мақсадида индонез, бенгал, малай, турк, араб, ҳинд, урду, пушту ва бошқа тилларда Имом Бухорий зиёрат туризми йўлдош телеканални хорижий мамлакатларда унинг мухбирлари фаолият юритишини назарда тутиш ҳолда ташкил этиш ва ривожлантириш чоралари кўришмоқда.

Минтақавий кооперацияларни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Туркий давлатлар ташкилоти доирасида туризм йўналишида, жумладан, транспорт логистикаси тизимини ривожлантириш, тарғибот ишларини сифатли олиб бориш, маданий мерос объектларини асраш жамғармасини ташкил қилиш, ягона тадбирлар тақвими яратиш, қўшма турларни амалга ошириш, "Табаррук зиёрат" лойиҳасини йўлга қўйиш йўналишларида чора-тадбирлар белгиланди.

Мухтасар айтганда, халқаро туризм хизматлари бозорининг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари асосида Ўзбекистоннинг туризм соҳаси ривожланиши учун қуйидаги жиҳатларни эътиборга олишни тавсия қилиш мумкин. Жумладан, халқаро туризм соҳасида соҳани рақамлаштириш тенденцияси кузатилмоқда. Зеро, ривожланган давлатлар аҳолисининг каттагина қисмида XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб фелъатор ва дунёқарашда катта ўзгаришлар содир бўлгани таъкидланмоқда. Бугунги кунда жаҳон туризм бозорига турли мақсадли, яъни янги таассуротларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг тезда ўзгариши, гуруҳли, икки киши ёки индивидуал бўлиб дам олиш, ички сабаблар туфайли ёки ташқи таъсирларсиз ўз хоҳиш-истакларини тезда қондиришга интилиш, табиат ва ландшафт гузаллигидан баҳра олиш каби туризм кўрсатмалари устун туради.

Албатта, юқоридаги лойиҳалар, чора-тадбирлар амалга оширилиши, хориж тажрибалари ўрганилиши, ички ва ташқи туризм соҳаларини ривожлантириш учун керакли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиши Ўзбекистоннинг халқаро туризм бозорига мавқеи ошишига олиб келади.

ТАРИХИЙ ҚАДАМЖО

ҚУВАДАГИ ҚАДИМИЙ ИБОДАТХОНА

Баҳодиржон ҲОШИМОВ,
Фарғона вилоят маданият ва туризм бошқармаси матбуот котиби

У қачон барпо этилган?

Қува туманидаги қадимий Шахристонда бир вақтнинг ўзида буддавийлик, насронийлик, зардуштийлик динига мансуб топилган ашёлар кўхна маскан ҳақидаги тасаввурларни бойитишга хизмат қилади. Айниқса, Будда ибодатхонаси билан боғлиқ осори атиқалар қадим масканда яшаб ўтган аҳоли турмуш тарзи, маданияти, урф-одатлари ҳақида қимматли маълумотлар беради.

1939 йилда бошланган археологик изланишлар Шахристонда шишасозлик, қўлолчилик, оқова сув тизими, таңга зарб қилиш ҳамда мустақкам мудофаа иншоотларига оид қизиқарли маълумотларни берди. Шахристоннинг шимолий қисмида ўрта асрларга мансуб марказий қўрган деворидан тахминан 40 метр узокликдаги эгри тепалик қўлчиликнинг эътиборидан четда қолиб келарди. Шахристон девори билан ушбу тепаликни ҳам ботқоқлик ажратиб турар ва у икки қисмдан — наст ва баланд тепаликдан иборат бўлган.

1957 йилда археолог В.Булатова тепаликни ўрганиб, у ердан топилган ашёлар шу кунга қадар қўлга киритилган топилмалардан қадимийроқ эканини аниқлади. Шу йили мазкур тепаликка шурф (текшириш учун қазилган қяламма ёки тик қазилган қудуқ) қазиб кўрилди.

1958 йилга келиб археологик тадқиқотлар ҳудуди кенгайтирилди. Қазилган участкадаги бинонинг қалинлиги 1,6 метр бўлган

девори захликдан қаттиқ зиён кўрган. Бино ичида девор бўйлаб 35-40 сантиметр баландликдаги сува жойлашган. Сува девори ва полига махсус сувоқ тортилган. Жанубий девор олди бинонинг кириш қисмигача тизилган, унинг умумий узунлиги 8,6 метр, ички хонага кирадиган эшик эни эса 1,7 метрлиги маълум бўлди. Кириш деворида эшик ромларининг изи кўриниб турибди. Ичкарида эшикка қотирилган темир деталларнинг қуйган қолдиқлари бор. Узунлиги 12,3 метрлик хонанинг поли шимолга қараб

кўтарилиб борган. Жануб томондан хонага тушиб турган ҳовли боғ бўлган кўринади. Бинонинг тўлиқ тарихи тўғрисида ҳулоса чиқариш жуда қийин бўлди. Чунки унинг фақат бир қисми очилиб, қолган қисми сақланиб қолмаган эди. Биринчидан, бино тепаликнинг энг чека қирғоғида жойлашган бўлиб, аввало, табиий йўл билан нураган ва шимол томондан оқиб ўтувчи ҳандак сув уни ювиб кетган. Топилган ашёлар, меъморий қурилма қолдиқлари, хайкалчаларга асосланиб, бу иншоот Будда ибо-



датхонаси деган ҳулосага келинди. Хайкаллар кучли олов таъсирида, деворлар қулаши оқибатида жиддий зарар кўрган. Улар бир неча қатламли лойдан ясалган. Танасида ўзак вазиғасини диаметри 2-4 сантиметрли таёқчалар бажарган. Бир-бири билан боғлаб туриш, мустақкам бўлишда жундан йиғирилган ипдан фойдаланилган. Хайкал танаси алоҳида ясалган юза қисмидаги рельеф ва кийим элементларини ифодалаш учун эса олди ва кўй жуни аралашган лой ишлатилган. Калласи алоҳида ясалиб, танадан чиқиб турган ёғоч ёрдамида бирлаштирилган. Сунгги пардозлаш ишлари учун хайкал шимолга 1,5-2 сантиметр қалинлида пластик лой билан ишлов берилган. Хусусан, кўз, қоғоқ ва лабларнинг ифодали тасвири, тақинчоқларнинг ҳолати, қўл ва оёқ бармоқлари, кийимларнинг тахлами, соч топарли, тақинчоқлар махсус ёпишқоқ лой олди аралаштириб тайёрланган ва уларнинг таъсирчанлигини ошириш учун турли рангдаги тошлардан ҳам фойдаланилган. Умуман, хайкаллардаги фрагментлар будда дини қоидалари бўйича бўялган. Қизил ранг энг кўп ишлатилган.

Топилган хайкаллар орасида одамнинг одатий гавдасидан икки марта катта ўлчамдаги улкан Будда хайкали ажралиб туради. Унинг елкаси, бош ва ўнг қўлининг ярими сақланиб қолган, хилоф. Кўз олди-мизда ҳашаматли сарой ва олосий мавқудотлар мажмуаси гавдаланади. Катта хайкалнинг юзи тухумсимон, кўзлари қисилган ва бир оз чўзинчоқ, қоғоқлар силлиқ ярим доира шаклда эди. Юзининг умумий шакли турк антропологик типга мансуб. Энг характерлиси, будда пешонасида учинчи



кўзининг мавжудлиги эди. Қўл ва елка қимматбаҳо тош ва тақинчоқлар билан безатилган.

Қувадан топилган ибодатхона Будда дини тарқалиш доирасини боғлаб турувчи Ҳиндистон ва Шарқий Туркистон диний-меъморчилик санъати аъёнларини ўзида намоён этувчи ноёб топилма эди.

Фарғона вилоят ҳокимлиги, маданият ва туризм бошқармаси ташаббуси билан мазкур Будда ибодатхонаси қолдиқларини консервация қилиш ва музейлаштириш, зиёрат туризмини йўлга қўйиш борасида амалий ишлар олиб боришмоқда. Бу лойиҳа қадимий маданиятнинг тарихини янада бойитиш, тадқиқ ва тарғиб қилиш имкониятини беради.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашир индекси — 236. Буюртма Г-446.
11413 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нарҳда.
"ШАРҚ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова
Мусаҳҳих: Шероз Махмудов
Дизайнер: Зафар Рузиев
Манзиллими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
ЎзА якуни — 22:50 Тошпиринди — 23:45